

---

## Ёшлар билан ишлаш дастурлари ижроси муҳокама қилинди

Бугун Ўзбекистон туман ҳокимлиги мажлислар залида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва туманда ёшлар билан ишлаш самарадорлиги муҳокамасига бағишланган навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бошчилигидаги сектор раҳбарлари иштирок этган йиғилишда туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, Ёшлар ишлари бўлими масъуллари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва ҳоким ёрдамчилари ҳамда дахлдор муассасалар мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибида ёшлар бандлиги масаласида “Уйчи тажрибаси”дан кенг фойдаланиш, яъни тадбиркорлар ва бизнес билан шуғулланиш истагидаги аҳоли, хусусан ёшлар билан манзилли ишлаш тизими самарадорлигини ошириш, “Ёшлар дафтари” билан ишлаш ҳамда ёшлар учун ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, деҳқончилик хўжаликларини ташкил этиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Айни йўналишларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан тизим масъулларининг ахборотлари тингланди.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг банд бўлмаган қатламини тадбиркорликка йўналтириш, мавжуд муаммоли масалаларни бартараф этиш юзасидан барча даражадаги мутасаддиларга аниқ вазифалар топширилди.

2024-09-12 22:00:21